

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**  
Ўзбекистон  
Республикаси Олий  
судининг харид  
комиссиясининг раиси



Ж.И.Юлдашев  
“29” 04 2022 йил

Ўзбекистон Республикаси Олий суди биносида Вазиятли марказ ва  
сервер хонаси капитал таъмирлаш бўйича

**ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ ҲУЖЖАТИ**

Тошкент – 2022 й.

**Ўзбекистон Республикаси Олий суди биносида Вазиятли марказ ва сервер хонани капитал таъмирлаш юзасидан энг яхши таклифларни танлаш эълон қилади.**

**Хизмат номи:** Вазиятли марказ ва сервер хонани капитал таъмирлаш.

**Танлашни ўтказиш шакли:** Электрон шаклда.

**Шартноманинг бошланғич баҳоси:** 440 082 478 (тўрт юз қирқ миллион саксон икки минг тўрт юз етмиш саккиз) сўм.

**Танлов ҳужжатларини қабул қиладиган ҳамда танлов ўтказиладиган манзил:** <http://etender.uzex.uz/>

**Иштирокчилар қуйидаги мезонларга амал қилган ҳолда танловда иштирок этишлари мумкин:**

- инженер, техник ходимлар ва доимий ишчи мутахассислар тўғрисида маълумотнома
- ташкилотнинг балансида мавжуд машина механизмлар ҳақида маълумотлар
- қурилиш ташкилоти ҳисоб рақамида қурилиш ишлари ҳажмининг камида 50 % миқдориди пул маблағи борлиги маълумотнома (банкдан) асли
- ташкилотнинг охириги 2 йилда бажарган ишлари ҳамда танлов объектига ўхшаш объектларда бажарган ишлари шартнома ва фактуралари нусхалари
- уч йиллик молиявий кўрсаткичлари тўғрисида маълумотномалар.

**Танлов иштирокчиларига танлаш бўйича харид қилиш қоидаларига доир тушунтириш юзасидан иштирокчилар билан алоқада бўладиган шахс:** Қурилиш бўйича катта мутахассис – Юлдашев Фурхат Камалбаевич, тел: 71-239-02-66.

**Таклифларни тақдим этиш муддати бошланадиган ва тугайдиган сана:** Махсус ахборот порталига лот жойлаштирилган кундан бошлаб 7 календар куни давомийлигида белгиланган вақтга қадар.

**Буюртмачининг юридик манзили:** Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани, А.Қодирий кўчаси 1.

**Танлов ҳужжатларини расмийлаштириш талаби:**

- танлов иштирокчиси фақат битта таклиф беришга ҳақли;
- танлов ҳужжатларида тузатишларга (матн, сўз ва рақамларни бўйлаб) йўл қўйилмайди. Агарда ҳужжатларда тузатишлар аниқланса ушбу танлов ҳужжати комиссия томонидан четлаштирилади;

- танлаш иштирокчиси такдим этилаётган ахборот ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилиги учун жавобгар бўлади.

#### **Танловга такдим этиладиган ҳужжатлар:**

- тижорат таклифи;
- инженер, техник ходимлар ва доимий ишчи мутахассислар тўғрисида маълумотнома;
- ташкилотнинг балансида мавжуд машина механизмлар ҳақида маълумотлар;
- қурилиш ташкилоти ҳисоб рақамида қурилиш ишлари ҳажмининг камида 50 % миқдориди пул маблағи борлиги маълумотнома (банкдан) асли;
- ташкилотнинг охириги 2 йилда бажарган ишлари ҳамда танлов объектига ўхшаш объектларда бажарган ишлари шартнома ва фактуралари нусхалари;
- уч йиллик молиявий кўрсаткичлари тўғрисида маълумотномалар;
- инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги тўғрисида маълумотнома.

### **ТЕХНИК ТОПШИРИҚ**

1. Бузиб олинган ишлар (қисқача): Ўзбекистон Республикаси Олий суди биносида Вазиятли марказ хонасини капитал таъмирлаш, хонанинг ўлчами 12x8,55м, баландлиги 3м, ушбу хонанинг деворидаги эски водоэмульция қраскаларни тозалаш, потолок қисмидаги армсторнг ва плстикни ечиб олиш, девордаги гипсокартонни бузиш, пол қисмидаги паркетни ва кафелларни бузиш, плинтусни ечиб олиш, акфа витраж ва эшикларни бузиб олиш.

Монтаж ишлари (қисқача): Хонанинг деворларини оточенто шпаклевка қилиш, гипсокартон ўрнатиш, потолокни грилята материали билан қоплаш, санузел потолок қисмини пластик ўрнатиш, пол қисмига таркет, плинтуслар ўрнатиш, эшиклар ўрнатиш, мдф материали билан қопламалар ўрнатиш, деворнинг айрим қисмларини шпаклевка қилиш, кириш эшигига колен ойнали витраж ўрнатиш, электр қисмлар, санузел қисмлари, иситиш тизимларини алмаштириш ва ёнғин хавфсизлиги учун сигнализация ўрнатиш.

2. Бузиб олинган ишлар (қисқача): Ўзбекистон Республикаси Олий суди биносида сервер хонасини капитал таъмирлаш, хонанинг ўлчами 10,44x4,26м, баландлиги 3,2м, ушбу хонанинг деворидаги эски водоэмульция қраскаларни тозалаш, электр кабелларни ва лампаларни, эшик учун деворни бузиш.

Монтаж ишлари (қисқача): Хонанинг деворларига шпаклевка тортиб водоэмульция қраскасини бўйаш, хонанинг лойиҳада кўрсатилган чизма асосида ғишт билан деворни ёпиш, гипсокартон ўрнатиш, потолокни грилята материали билан қоплаш, пол қисмига фальшпол ўрнатиш, эшик ўрнатиш, электр қисмлар ва лампалар ўрнатиш, ёнғин хавфсизлиги учун сигнализация ўрнатиш.

### **Иш жойи ва вақти**

“Буюртмачи”нинг биносида Вазиятли марказ ва сервер хонани капитал таъмирлаш ишлари, Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани, А.Қодирий кўчаси 1 уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Олий суди биносида амалга оширилади.

Вазиятли марказ ва сервер хонани капитал таъмирлаш ишларини амалга ошириш муддати – Шартнома шартларига асосан аванс суммаси тўлаб берилган кундан бошлаб, 20 кун.

Вазиятли марказ ва сервер хонани капитал таъмирлаш ишларини 20 кун давомида соат 9:00 дан 18:00 гача амалга оширади.

### **Пудратчига қўйиладиган талаблар**

Корхона ва ташкилотларининг кичик ёки йирик бизнес субъектларига тегишлилиги тўғрисида маълумотнома;

Талабгор банкрот ҳолатида эмаслигини тасдиқловчи маълумотнома;

Талабгорнинг тугатилиш ёки қайта ташкил этилиш жараёнида эмаслигини тасдиқловчи маълумотнома;

Юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтганлигини тасдиқловчи гувоҳноманинг нусхаси;

Тегишли ваколатли орган томонидан берилган танлов талабларини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг нусхаси;

Давлат солиқ инспекцияси ва талабгор ўртасида бюджет ва бюджетдан ташқари жамгармалар олдидаги мажбуриятлар бўйича қарзи йўқлиги тўғрисида маълумотнома;

Хизмат кўрсатувчи банк томонидан талабгорнинг ҳисоб рақамларида картотека (К-2) бўйича қарзи йўқлиги тўғрисида маълумотнома асли;

Охириги 2 йилдаги бажарилган қурилиш ва таъмирлаш ишлари бўйича маълумот;

Сўнги бир йил давомида замонавий техникалар сотиб олинганлиги ва барча техникалар рўйхати;

Ташкилотнинг иш стажи 3 йилдан кам бўлмаслиги.

### **Илова: ШАРТНОМА ЛОЙИҲАСИ**

*Мазкур шартнома лойиҳаси давстлабки ҳисобланиб, унинг шартлари томонларнинг қарорига кўра қонунда белгиланган қоидаларга зид бўлмаган ҳолда ўзгариши мумкин.*

### **ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ №**

« \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2022 йил

Тошкент шаҳар

Ушбу пудрат шартномаси «*Буюртмачи*» деб аталувчи

\_\_\_\_\_ ва унинг номидан буйруқ асосида иш олиб борувчи

\_\_\_\_\_ бир томондан ва «*Пудратчи*» деб аталувчи

\_\_\_\_\_ ва унинг номидан \_\_\_\_\_ асосида иш олиб борувчи

раҳбари \_\_\_\_\_ иккинчи томондан келишув асосида амалдаги қонунларга мувофиқ тузилди.

## I. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1. «*Пудратчи*» мазкур шартнома шартларига мувофиқ «*Буюртмачи*»нинг талабига асосан Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани, А.Қодирий кўчаси манзилдаги Ўзбекистон Республикаси Олий суди биносидаги Вазиятли марказ ва сервер хонани капитал таъмирлаш ишларни бажариб беради.

## II. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ҲИСОБ КИТОБ ТАРТИБИ

2.1. Бажарилиши лозим бўлган ишлар «*Буюртмачи*» томонидан тасдиқланган сметага ва танлов комиссиясининг қарори билан тасдиқланган ишлар қиймати (барча солиқлар, йигимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда) га асосан жорий \_\_\_\_\_ нархларда \_\_\_\_\_ сўмни \_\_\_\_\_ ташкил этади.

2.2. Бажариладиган ишлар қиймати узил кесил ҳисобланиб, фақатгина ишлар ҳажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганида ва форс мажор ҳолатлари сабаб бўлганида қайта кўриб чиқилиб, томонлар ўртасида қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

2.3. Шартнома томонлар ўртасида имзоланиб, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилик бошқармасидан рўйхатга олингандан сўнг 10 банк иш кунинда «*Буюртмачи*» бажариладиган ишлар умумий қийматининг 30 фоизини яъни \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ сўмни, тегишли маблағлар доирасида, олдиндан аванс тариқасида «*Пудратчи*»нинг ҳисоб рақамига ўтказиб беради.

2.4. Бажарилган ишлар учун тўловларнинг қолган 70 фоизи, яъни \_\_\_\_\_) сўмини «*Пудратчи*» томонидан топширилган бажарилган ишлар ҳақидаги далолатномаси ва бажарилган ишлар қийматлари тўғрисидаги счеҒ-фактура маълумотномалар асосида \_\_\_\_\_ банк иш кунинда ўтказиб беради.

2.5. Жорий молиялаштириш амалдаги бажарилган ишларни ҳисобга олган ҳолда, бажарилган ишларнинг сифати ва ҳажми текширилгандан сўнг тўланган суммани ҳисобга олган ҳолда шартнома қийматининг 95 фоизигача бўлган миқдоринда амалга оширилади.

2.6. «*Буюртмачи*» ва «*Пудратчи*» ўртасида шартнома қийматининг қолган 5 фоизи 12 ой кафолат муддати тугагандан сўнг тўлов амалга оширилади.

2.7. «*Буюртмачи*» охириги тўловни «*Пудратчи*» томонидан иш тўлик бажариб топширилиб, банк ходимини жалб қилган ҳолда назорат ўлчовини ўтказди ва қабул қилиш – топшириш далолатномаси расмийлаштириб беради.

2.8. Бажарилган ишлар учун тўловлар «*Буюртмачи*» томонидан пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

## III. ТОМОНЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. «*Пудратчи*»нинг мажбуриятлари

Шартнома имзолангандан сўнг иш бажариладиган объектни «*Буюртмачи*»дан далолатномага асосан қабул қилиб олади.

Мазкур шартномада илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ биринчи аванс тўлови амалга оширилгандан бошлаб ишларни бажаришга киришади

ва ишларни бажариш календар графигига асосан \_\_\_\_ кун муддатда ишларни бажариб топширади.

Барча ишларни тасдиқланган лойиҳа-смета хужжатларига мувофиқ, мазкур шартномада назарда тутилган хажмда ва муддатларда ўзининг кучлари билан бажариш ҳамда «**Буюртмачи**»га мазкур шартнома шартларига мувофиқ топширади.

### 3.2. «**Пудратчи**»нинг ҳуқуқлари

Бажариб берилган иш учун олдиндан аванс ҳақ тўланишини ва ишни бажариб топширгандан сўнг тўла хажмда ҳисоб китоб қилинишини талаб қилиш;

Бажариб берилган ишни қабул қилиб олиш асоссиз равишда рад этилиши натижасида етказилган зарарни қопланишини талаб қилиш;

### 3.3. «**Буюртмачи**»нинг мажбуриятлари

Тасдиқланган лойиҳа-смета бўйича бажарилган ишларни қабул қилиб олиш;

Бажарилган ишлар учун ўз вақтида ҳақ тўлаш;

### 3.4. «**Буюртмачи**»нинг ҳуқуқлари

«Пудратчи»дан амалдаги давлат стандартлари ва бошқа меъёрий хужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

Камчиликларни бепул бартараф этилиши ёки камчиликларни бошқа шахс томонидан тўғриланиши харажатларини қопланишини талаб қилиш;

«Пудратчи»дан шартномада курсатилган ишларини қабул қилиш комиссияси иштирокида лойиҳа хужжатлари асосида ишни сифатли бажарган ҳолда қабул қилиб олиш;

«Пудратчи» томонидан ишлатиладиган материаллар ва асбоб ускуналарни шартнома шартларига ва иш хужжатларига мувофиқлигини назорат қилиш;

## IV. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

4.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажармаса мажбуриятни бажармаган томон иккинчи томонга етказилган зарарни тўлайди;

4.2. «**Пудратчи**» объектни ўз вақтида топширмаганлиги учун «**Буюртмачи**»га ҳар бир кечиктирилган кун учун шартнома мажбуриятлари бажарилмаган қисмининг 0,5 % миқдорида пеня тўлайди. Тўланадиган пеня суммаси бажарилмаган мажбуриятлар баҳосининг 50 % идан ошмаслиги керак.

4.3. Аниқланган нуқсон ва камчиликлар «**Пудратчи**» томонидан ўз вақтида бартараф қилинмаса «**Буюртмачи**» тўловлар тўхтатилади. Лозим даражада бажарилмаган ишларнинг 20 % и миқдорида «**Пудратчи**» жарима тўлайди.

4.4. Бажарилган ишлар учун «**Буюртмачи**» томонидан ўз вақтида ҳақ тўланмаса, ҳар бир кечиктирилган кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 %и миқдорида пеня тўлайди. Тўланадиган пеняларнинг умумий суммаси кечиктирилган тўловларнинг 50 %и миқдоридан ортмаслиги керак.

4.5. Тўланадиган пеня ва жарималар шартнома мажбуриятларини бузган тарафни иккинчи тарафга ана шу мажбуриятларни бажармаслик оқибатида етказилган зарарни қоплаш жавобгарлигидан озод этмайди.

## V. ФОРС МАЖОР ХОЛАТЛАР

5.1 Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни тўлик ёки қисман бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва бу ҳолатлар шартнома шартларини бажарилишига

бевосита таъсир этса томонларнинг жавобгарликдан озод этилиши Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

#### VI. ШАРТНОМАНИ ҲАМ ҚИЛИШ ВА НИЗОЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

6.1. Мазкур шартнома белгиланган шаклда томонларнинг ўзаро келишувига мувофиқ ўзгартирилиши ва бекор қилиниши мумкин.

6.2. Мазкур шартнома бўйича юзага келиши мумкин бўлган низо ва келишмовчиликлар ўзаро муҳокама йўллари билан хал этилади. Агарда ўзаро муҳокама йўли билан хал этиш имкони бўлмаса Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Тошкент туманлараро иқтисодий суди орқали хал этилади.

#### VII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТЛАРИ

7.1. Шартнома томонлар ўртасида имзоланиб, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилик бошқармасидан рўйхатга олинган кундан кучга киради ва 31 декабрь 2022 йилгача амал қилади.

7.2. Шартнома 2 нусхада тузилиб, иккала нусхаси ҳам ҳуқуқий жihatдан тенг кучли ҳисобланади.

#### VIII. ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ

«ПУДРАТЧИ»	«БУЮРТМАЧИ»

**Харид комиссияси маъсул котиби:**


Хўжалик бўлими қурилиш  
бўйича катта мутахассиси



Ф.Юлдашев

**Комиссия раис ўринбосари:**


Хўжалик бўлими бошлиғи



Х.Мамарасулов

**Комиссия аъзолари:**

АКТ ва АХТБ бош консультанти




И.Кабиров

Хўжалик ишлари мудир



А.Икрамов

Иш юритувчи



Х.Хожиев

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**  
**Ўзбекистон Республикаси**  
**Олий суди Аппарат раҳбари**



Ж.И.Юлдашев  
 “07” 04 2022 йил

**“Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани, А.Қодирий кўчаси маъзилдаги Ўзбекистон Республикаси Олий суди биносидagi Вазиятли марказ ва сервер хонани капитал таъмирлаш” бўйича  
 ТЕХНИК ТОПШИРИҚ**

Т/р	Асосий маълумотлар	Иштирокчилар учун маълумотнома
1	Объект номи	Ўзбекистон Республикаси Олий суди биносидagi Вазиятли марказ ва сервер хонани капитал таъмирлаш
2	Буюртмачи	Ўзбекистон Республикаси Олий суди
3	Иш тури	Капитал таъмирлаш
4	Буюртма учун асос	2022 йилги манзилли “Дастур”
5	Ишларни бажарадиган манзил	Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани, А.Қодирий кўчаси, 1-уй
6	Бажариладиган ишлар кимати	440 082 478 сўм ҚҚС билан
7	Иштирокчилар учун талаблар	Танлаш ҳужжатларида кўрсатилган ишларни сифатли ва кўрсатилган муддатларда тугатиш
8	Ишни бажариш муддати	Аванс 30 фоиз тулов утказилгандан сўнг, 20 кун муддат ичида бажариш
9	Техник хавфсизлиги бўйича талаблар	Ишни бажариш жараёнида техника хавфсизлиги қоидаларига тулиқ риоя қилишлари шарт
10	Молиялаштириш манбаси	Бюджетдан ташқари
11	Танлов қатнашчилари қуйидаги ҳужжатлар асосида танланади	<ul style="list-style-type: none"> <li>- корхона ва ташкилотларининг кичик ёки йирик бизнес субъектларига тегишлилиги тўғрисидага маълумотнома;</li> <li>- талабгор банкрот ҳолатида эмаслигини тасдиқловчи маълумотнома;</li> <li>- талабгорнинг тугатилиш ёки қайта ташкил этилиш жараёнида эмаслигини тасдиқловчи маълумотнома;</li> <li>- юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтганлигини тасдиқловчи гувоҳноманинг нусхаси;</li> <li>- тегишли ваколатли орган томонидан берилган танлов талабларини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг нусхаси;</li> <li>- давлат солиқ инспекцияси ва талабгор ўртасида бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар олдидаги мажбуриятлар бўйича қарзи йўқлиги тўғрисида маълумотнома;</li> <li>- хизмат кўрсатувчи банк томонидан талабгорнинг ҳисоб рақамларида картотека (К-2) бўйича қарзи йўқлиги тўғрисида маълумотнома асли;</li> <li>- охириги 2 йилдаги бажарилган қурилиш ва таъмирлаш ишлари бўйича маълумот;</li> <li>- сўнги бир йил давомида замонавий техникалар сотиб олинганлиги ва барча техникалар рўйхати;</li> <li>- ташкилотнинг иш стажи 3 йилдан кам бўлмаслиги.</li> </ul>